



## **Course: Islamic Finance**

# **Lecture 1: Foundation of Islamic Finance and Banking**

**Lecturer: Shaamirova Surayyo**

# Мундарижа

1. Исломдан ислом молиясига

2. Ислом молияси тизими

3. Ислом молияси тизимидаги тақиқлар


4. Ислом тижорий битимларнинг таснифи

5. Анъанавий ва ислом банкчилиги ўртасидаги тафовутлар

6. Ислом молияси ва банкчилигининг ривожланиш босқичлари

7. Шариат кенгаши вазифалари

# Исломдан ислом молиясига



# Шариат қисмлари

Шариатни уч қисмга ажратиш мумкин:

Ал-аҳкам ал-иътиқадия ёки **Ақийда** – иймон ва ишончга оид қоидалар.

Ал-аҳкам ал-ахлақия ёки **Ахлоқ** – ахлоқ ва одобга оид қоидалар.

Ал-аҳкам ал-аъмалия ёки **Фиқҳ** – одамлар ўртасидаги алоқалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид қоидалар.

# Исломдан ислом молиясига



# Шариат Манбалари/ далиллари



# Исломдан ислом молиясига

## Ислом молияси нима?

Ислом молияси ислом ҳуқуқи асосида ишлайдиган молия тизимидир.

Ислом молиясининг асосий тамойиллари – барча шартнома ва битимларда адолат ва тенг шарт-шароитни таъминлаш ҳисобланади.

# Ислом молияси тизими

Ислом молияси тизимининг таркиби

1

• Ислом молияси маҳсулотлари

2

• Ислом молия муассасалари

3

• Ислом молияси бўйича қонун-қоидалар

4

• Ислом молияси назорати ва бошқаруви

# Ислом молиясининг асосий тамойиллари

Бойлик шаръий ва қонуний бўлган савдо ва активларга асосланган сармоядан ҳосил бўлиши керак;

Пулга маҳсулот сифатида муносабатда бўлиш ва уни шу асосда тасарруф қилиш тақиқланади;

Инвестициялар, нафақат даромад воситаси бўлиши, балки жамият учун ижтимоий манфаат келтириши муҳимдир;

Хатар ва таваккалчилик даражаси томонлар ўртасида адолатли тақсимланиши лозим.

Шаръий жихатдан ман этилган, давлат ва жамият учун зарарли бўлган фаолият турларидан четланиш талаб этилади.

# Ислом молияси тизимидаги тақиқлар

Ношариъй  
кўнгил очар  
фаолият  
турлари

Қурол-яроғ  
ишлаб  
чиқариш ва  
сотиш

Қимор/майсир  
унсурлари  
мавжуд бўлган  
фаолият турлари

Чўчқа  
маҳсулотлари  
ишлаб  
чиқариш ва  
сотиш

Порнография  
оид маҳсулот  
ва хизматлар

Маст қилувчи  
ичимликлар, тамаки  
маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш ва олди-  
сотди қилиш

Рибога  
асосланган молиявий  
хизмат кўрсатувчи  
ташкилотлар

Қимматли  
қоғозлар ва  
акциялар  
савдоси

Шариат  
тамойиллари зид  
бўлган бошқа  
бизнес фаолият  
турлари

# Ислом молияси тизимидаги тақиқлар

## Рибо (судхўрлик)

Бизнинг тилимизда «рибо» сўзи судхўрлик деб таржима қилиб келинган. Араб тилида «рибо» сўзи «зиёда бўлди», «кўпайди» деган маъноларни англатади. Шариатда эса қарз берувчи қарздордан берган қарзи устига оладиган зиёда рибодир. Шунингдек бир жинсли маҳсулотларни айрибошлашда бир томоннинг кўпроқ олиши ёки насия қилиши ҳам рибо ҳисобланади.

## Ғарар (мавҳумлик)

Ғарар арабча сўз бўлиб кенг маъноли тушунча ҳисобланади ва ноаниқлик, мавҳумлик ёки хавф-хатар маъноларини билдиради. Амалда ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ёки шартномада ғарарга йўл қўйилиши томонлардан бирининг асоссиз йўқотишларига, бошқа томоннинг эса адолатсиз бойишига олиб боради.

## Майсир (қимор)


Майсир (қимор) – (араб. “майсир” - “енгиллик”). Маълумки, қимор ўйинларида бошқа бир инсонларнинг молини меҳнатсиз осонлик билан қўлга киритиш имконияти мавжуд. Шу сабабдан ҳозирги кундаги ютуқли лотереянинг барча турлари қарта, нарда ва шу каби қимор ўйинлари қатъиян ҳаром қилинган. Бундай ўйинларда бир томоннинг фойдаси иккинчи томоннинг зарари ҳисобига бўлади ва мана шу майсир (қимор) деб эътироф этилади.

# Рибо: моҳияти ва турлари

Фақиҳлар рибони икки тоифага бўлишади:

## Рибо ал-фазл

Миқдорга асосланган рибо, бир хил товарларни нотенг миқдорларда алмаштиришда қўлланилади.



## Рибо ан-насия

Вақтга асосланган рибо, қарз олиш ёки беришда кечиктирилган тўловлар учун қўлланилади.

# Рибо: моҳияти ва турлари

## Рибо ан-насия

- “Рибо ан-насия” қарз муносабати асосидаги алмашинув жараёнида кечиктирилган муддат учун қўшимча қиймат/устама олиш орқали фойдага эришишдир. Қарз олди-бердисида ҳам ҳар қандай насия савдо ёки ижарада бўлгани каби тўлаш шарт қилинган мажбурият юзага келади. Ушбу мажбуриятларнинг бажариш муддати (тўлаш вақти) бўлади ва қарз берган тараф муддатидан олдин тўловни талаб қилиши мумкин эмас.
- Қарз берилганда берилган қарз миқдорининг ўзигина (раъсул мол) қайтарилиши, насия савдода ҳам келишилган миқдорнинг айнан ўзи қайтарилиши шарт қилинади. Анъанавий банкларнинг фоиз асосидаги қарз бериш амалиёти рибо ан-насиянинг айнаи ўзи бўлиб, бунда қарздор кредит шартномаси бўйича асосий қарз тўлови устига қўшимча пул (фоиз) ҳам тўлайди.

# Насия рибосига мисол ва изоҳлар



10 000 000 сўм (15 %)

(1 Январь, 2026)

11 500 000 (15%)

(31 декабрь, 2026)



\*Оддий фоизда ҳисобланганда

# Рибо ал-фазл: олти маҳсулот тушунчаси

- ✓ олтинга (тенг қийматдаги) олтин
- ✓ кумушга (тенг қийматдаги) кумуш
- ✓ буғдойга (тенг қийматдаги) буғдой
- ✓ арпага (тенг қийматдаги) арпа
- ✓ хурмога (тенг қийматдаги) хурмо
- ✓ тузга (тенг қийматдаги) туз

❖ Ушбу олти маҳсулот олди-сотдиси тенгига тенг ва қўлма-қўл (яъни жойида) бўлиши керак.

**Шундай қилиб, рибо моллари – рибо қоидаларини қўллаш учун асос ҳисобланади. Ҳанафийлик мазҳабида бу қуйидагича баён этилади:**

- Имом Абу Ҳанифа фақат иккита умумий хусусиятни, яъни **(1) оғирлик** ва **(2) миқдорни** олади.
- Яъни ушбу олти та маҳсулот оғирлик ёки миқдорга қараб (асосланиб) сотилади.
- Шу сабабли оғирлик ёки миқдорга эга бўлган барча маҳсулотлар ўз жинсидаги маҳсулотларга айирбошланса (олди-сотди қилинса) Рибо-ал-фазл пайдо бўлади.

# Бир жинсли маҳсулотларни айрибошлашдаги талаблар

Пул бирлигини (валюта) пул бирлигига		Озиқ-овқат маҳсулотини озиқ-озиқ маҳсулотига	
Мазмуни	Талаб	Мазмуни	Талаб
Бир пул бирлиги (сўмни сўмга)	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт</li> <li>✓ Тенг миқдорда</li> </ul>	Бир хил озиқ-овқат маҳсулоти (буғдойни-буғдойга)	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт</li> <li>✓ Тенг миқдорда</li> </ul>
Турли пул birlikлари (сўмни долларга)	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт</li> </ul>	Турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари (буғдойни-арпага)	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Қўлма-қўл (спот) амалиёт</li> </ul>

## Бир жинсдаги маҳсулотларда Рибо ал-фазлни тартибга солувчи қонун-қоидалар

- Қиймат/сифатдаги ҳар қандай фарқ эътиборга олинмайди ва маҳсулот тенг миқдорда алмаштирилади (тенг оғирлик ёки ҳажмда).
- Бир жинсдаги маҳсулотларни тўғридан-тўғри алмаштириш ўрнига, ҳар бир шахс ўз молини бозор нархида сотиши ва тушган пулга бошқа одамнинг молини бозор нархида сотиб олиши керак.
- Маҳсулот қайта ишлаш жараёнида бутунлай ўзгарган бўлса, масалан: пахта (хом ашёси) матога, темир бирор дастгоҳга айланган бўлса, оз миқдордаги матони кўпроқ миқдордаги пахтага ёки кўп темир-терсакни тайёр дастгоҳга алмаштиришга рухсат берилган.

# Ғарар тушунчаси ва турлари

Ғарар арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси «ноаниқлик», «мавҳумлик» деган маъноларни англатади.

- ❖ Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ёки шартномада ғарарга йўл қўйилиши томонлардан бирининг асоссиз йўқотишларига, бошқа томоннинг эса адолатсиз бойишига олиб боради.
- Ғарар, шартнома мавзусига (предметига) тегишли турли масалалар тафсилоти (масалан маҳсулот ёки хизмат сифати, таснифи каби), томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шартноманинг якуний натижаси ҳақида мавҳумлик/ноаниқликларни ўз ичига олади.

# Ғарар тушунчаси ва турлари

## Табиатига кўра ғарар;

1. Кўп (كثير)
2. Ўртача (متوسط)
3. Оз (يسير)

## Битимга бўлган таъсирига кўра ғарар;

- Шартномани йўққа чиқарадиган даражада бўлиши мумкин
- Шартномани йўққа чиқармайдиган даражада бўлиши мумкин

## Ғарарнинг шариатдаги ҳукми

Шариатда битим шартларини амалга оширишни хавф остида қолишига сабаб бўладиган даражадаги ғарар аралашган шартнома тузилишига рухсат берилмайди. Бу мақсадлар учун ғарарнинг даражалари қуйидагича баҳоланади:

**Ислом ҳуқуқшунослигида шартномалар қиймат алмашинувиға кўра икки турли бўлиши мумкин:**

**а) икки томонлама (муъавада - معاوضة)**

**б) бир томонлама (табарруъ - تبرُّع)**

❖ Савдо, ижара ва шерикчилик шартномалари икки томонлама шартномалар ҳисобланади ва уларга ғарар таъсир қилади, аммо хайрия/грант/ҳадя каби бир томонлама шартномаларга таъсир қилмайди.

# Ислом молияси хақида нотўғри тушунчалар

22

Ислом  
банклари  
анъанавий  
банлар  
билан бир хил

Бепул  
молия  
манбаси

Фақатгина  
мусулмонла  
р учун


Ислом  
банклари  
рақобат  
қила  
олмайди

Фоиз  
даражаси  
юқори  
бўлмаса  
рухсат  
берилган


Иккала  
тараф рози  
бўлса фоиз  
ишлатса  
бўлади

Инфляция  
миқдorigа  
тенг фоиз  
қўллаш  
мумкин

# Ислом тижорий-молиявий битимлари таснифи



# Анъанавий ва ислом банкчилиги ўртасидаги асосий тафовутлар



# Ислом молияси ва банкчилигининг ривожланиш босқичлари



# Ислом молияси ва банкчилигининг ривожланиш босқичлари

**1991**

- ААОИФИ, (Баҳрайн)

**1992**

- Муомалат Банки, (Индонезия)

**1993**

- Бруней Ислом Банки

**1994**

- Ислом банклараро пул бозори (Малайзия)

**1999**

- Малайзия Муомалат Банки

1990 йиллар

- Халқаро Ислом Молия Бозори, (ИИФМ), Баҳрайн
- Ислом Молиявий хизматлар кенгаши (ИФСБ) (Куала Лумпур, Малайзия)

**2004**

- Британия Ислом Банки (ҳозирда, Ал-Райён Банк)

**2005**

- Ислом Молияси Консуллиги (Буюк Британия)

**2006**

- Малайзия Халқаро Ислом Молия Маркази

**2010**

- Халқаро Ислом Ликвидитликни бошқариш Корпорацияси (ИИЛМ), Куала Лумпур

2000 йиллар

**2013**

- Банк Низва (Омон)
- Ислом Молияси Тараққиёт Маркази Жаҳон Банки, Истанбул

**2014**

- Глобал Ислом молияси ва инвестиция гуруҳи

**2015**

- Кувайт-Турк банки,

Ҳозирги вақт

## Шариат кенгаши вазифалари

- Ислом банклари Шариат тамойиллари ва қоидаларига асосан фаолият кўрсатади ва уларга амал қилиши лозим.
- Ислом банкларида мустақил назорат органи - Шариат кенгаши бўлиб, бу банкнинг структурасида мустақил орган ҳисобланади.
- Шариат кенгашининг функция ва мажбуриятлари банк устави ҳамда мамлакатнинг ислом банклари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари билан белгиланади.
- Банк Шариат кенгашининг вазифаларига банк фаолиятини амалга оширишда Шариат тамойиллари ва қоидаларига амал қилиниши назорат қилиш киради.
- Банкнинг барча турдаги маҳсулот ва амалиётлари ислом банкчилиги ва молияси тамойилларига мувофиқ бўлишини таъминлайдиган шариат кенгаши томонидан назорат қилинади.

## Шариат кенгаши вазифалари

- Шариат Кенгашига кўриб чиқадиган масалалар қуйидагилардан иборат бўлади:
  1. молиявий воситаларнинг шариатга мувофиқлигини тасдиқлаш
  2. транзакцияларнинг шариатга мувофиқлигини текшириш
  3. ислом молия ташкилотлари тўлайдиган закотни ҳисоблаш
  4. шарита қонунларига номувофиқ даромадларга эгалик қилиш масалалари
  5. инвесторлар ва акциядорлар ўртасида даромадларни тақсимлаш бўйича маслаҳатлар бериш

## Фойдаланилган адабиётлар

- Ayub, M. (2007). Understanding Islamic finance. Wiley
- Iqbal, Z., & Mirakhor, A. (2011). Introduction to Islamic finance. Wiley.
- Usmani, M. T. (2002). An introduction to Islamic finance.
- AAOIFI. (2015). Shari'ah standards.
- Islommoliyasi.uz. (n.d.). *Islam moliyasi asoslari*. Retrieved March 5, 2026, from <https://islommoliyasi.uz>

**Thank You!**